



ТОЧКА ЗРЕНИЯ НУҚТАИ НАЗАР

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, оммабоп газета

2009 йил 30 сентябрдан чиқа бошлаган.

№ 5-6 (243-244). 2023 йил. Март.

Ўзбекистонда жарималар бўйича чегирмалар 50 фоизгача оширилади

Президентнинг 23 мартдаги қарорига кўра, 2023 йил 1 майдан маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жаримани ихтиёрий тўлаш тизими соддалаштирилади. Бу ҳақда УЗА хабар берди.

Янги тизимга кўра:

- ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, 30 кун ичида 70 фоизини ихтиёрий равишда тўласа, жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.

- Бу тартиб суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Президенти томонидан 2020 йил мартда имзоланган қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс жарима со-

лиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи модда билан тўлдирилган.

Унга кўра, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун ичида жарима миқдорининг 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.

Ушанда соддалаштирилган тартиб маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда амал қилмаслиги кўрсатиб ўтилган.



Президент Шавкат Мирзиёев 11 март кuni "Кекса авлод вакиллари хар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Ўзбекистонда ёшлар ҳар бир маҳалладаги фаол нурунийларга бириктирилади

Қарорга кўра, 2023 йил 1 апрелдан "Нуруний" жамғармасига давлат субсидиясини ажратиш тизими жорий этилади. "Бир нуруний ўн ёшга масъул" тамойилига мувофиқ, ёшлар ҳар бир маҳалладаги фаол нуру-

нийларга бириктирилади. "Нуруний ҳар бир оилага масъул" лойиҳаси асосида муаммоли оилаларнинг ҳар бирига "Кексалар маслаҳати" гуруҳларининг бир нафардан аъзолари бириктирилади.

"Бир нуруний ўн ёшга масъул" тамойили ҳамда "Нуруний ҳар бир оилага масъул" лойиҳаси асосида фаолият олиб борган ва ижобий натижаларга эришган нурунийларни "Нуруний" жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб бориш тизими жорий этилади. Маҳаллаларда фаолият юритаётган "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари раҳбарлари ҳар чоракда БҲМнинг 2 баравари (600 минг сўм) миқдорида рағбатлантириб борилади.

Ўзбекистонда ногирон болаларга нафақа мурожаат қилинганидан қатъи назар тайинланади

23 март кuni Ҳукумат қарори билан [119-сон] «Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом» тасдиқланди. Бу ҳақда Адлия вазирлиги хабар қилди.

Низом билан қуйидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақаларни тайинлаш тартиблари белгиланди:

- ✓ ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга;
- ✓ ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга;
- ✓ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;
- ✓ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган вафот этган шахснинг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларига;
- ✓ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахслар ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга.

Шунга кўра, қуйидаги нафақалар тайинланади:



шакл»да тайинланади.

Ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик ва ёшга доир нафақалар тайинланиши учун давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП (my.gov.uz) орқали мурожаат қилинади.

ДХМ маълумот олингандан сўнг 5 дақиқа ичида нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қердан олиш тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.

Нафақалар нафақа олувчининг хоҳишига кўра нафақани етказиб бериш (топшириш) ваколати юкланган ташкилот ёки фуқароларнинг депозит ҳисобварақларига пул ўтказиш йўли билан банк филиали орқали тўланади.

Нафақалар ҳар ойда белгиланган муддатларда, бироқ жорий тўлов ойдан кечикмай тўланади.

Нафақа олувчи Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳар)га кўчганда, нафақани тўлаш янги яшаш жойи бўйича давом эттирилади. Бундай ҳолатда нафақа тўлаш аввалги яшаш жойи бўйича нафақа тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб давом эттирилади.

- ✓ ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси;
- ✓ парваришлаш нафақаси;
- ✓ ногиронлик нафақаси;
- ✓ боқувчисини йўқотганлик нафақаси;
- ✓ ёшга доир нафақа.

Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга нафақа ҳамда парваришлаш нафақаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан «проактив

Низомга кўра, реестрга кириш учун ариза берувчи Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига ариза юборади.



Аризага, жумладан, қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ариза берувчи халқаро брендлар товарларининг айрим турларининг бренд эгалари ёки уларнинг ваколатли етказиб берувчилари эканлигини

Ўзбекистонда халқаро бренд товарларини импорт қилувчилар реестри шакллантирилади

Вазирлар Маҳкамасида 9 март кuni Халқаро бренд товарларини импорт қилувчилар реестри шакллантирилиши тўғрисидаги низом тасдиқланди.

тасдиқловчи ҳужжатлар;

- маҳсулот етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри тузилган импорт шартномалари;

- товарларнинг сифати ёки хавфсиз-

лигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- товарнинг келиб чиқиш мамлакат ва ишлаб чиқарувчиси ҳақида дастлабки маълумот.

Ариза қабул қилинган кундан бо-

шлаб 20 иш кунини кўриб чиқилади. Ариза берувчини ва халқаро брендлар товарларининг реестрга киритилганлиги тўғрисидаги сертификат 1 йил амал қилиш муддати билан берилади.

Реестрга киритиш бўйича ариза кўриб чиқиш учун тўлов қиймати ҳар бир импорт шартнома суммасининг, қўшимча келишувлар бўйича — қўшимча келишув суммасининг 0,8 фоизи миқдорида ҳисобланиб, ушбу миқдорга ҚҚС алоҳида қўшилган ҳолда ундирилади. Сертификатни қайта расмийлаштириш учун БҲМнинг 5 баробари (1,5 млн сўм) миқдорида тўлов ундирилади.

Ўзбекистонда 2023 йил март ойидан бошлаб мобил интернет тезлиги оширилади ва мамлакат бўйлаб 5G технологияси жорий этилади. Бу ҳақда "O'zbektelekom" АК ахборот хизмати раҳбари Темур Мамажонов маълум қилди.

Хабарга кўра, лойиҳа доирасида мавжуд таянч станциялари модернизация қилиниб, янгилари ўрнатилади. Шу жумладан, бутун мамлакат бўйлаб 3 мингдан ортиқ

Ўзбекистонда 2023 йил мартдан мобил интернет тезлиги оширилади

таянч станцияларини энг сўнгги технологиялар бўйича янгилаш, шунингдек, 2 мингдан ортиқ янги таянч станцияларини қуриб ишга тушириш режалаштирилган. Бунда Ўзбекистон бўйлаб мобил алоқа сифати яхшиланади, LTE стандартидаги мобил ин-

тернет тезлиги ҳамда унинг қамрови оширилади.

Таъкидланишича, лойиҳанинг муҳим босқичи қатор таянч станцияларини 5G стандартига ўтказиш жараёни ҳисобланади. Натижада абонентлар бешинчи авлод тезли-

гида мобил интернетдан бемалол фойдаланишлари мумкин бўлади.

"Ўзбекистонда биринчи галда флагман смартфонлар, жумладан, iPhone эгалари 5G технологиясидаги мобил интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Uztelecom Ўзбекистонда мазкур қурилмалар фойдаланувчиларига бешинчи авлод алоқа имкониятларидан фойдаланиш имконини берувчи биринчи оператор бўлади", — дейилади хабарда.

Ўзбекистонда давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлиги рейтинг баҳолашдан ўтказилди. Бу ҳақда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги хабар берди.

Ўзбекистонда давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги рейтинги эълон қилинди

Баҳолаш натижаларига кўра, 62 та давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳолашиб, уларнинг фаолият самарадорлиги куйидаги тоифаларга ажратилган:

- 12 та ташкилот “яхши” – (81-100 балл);
- 30 та ташкилот “қониқарли” – (55-80 балл);
- 20 та ташкилот “қониқарсиз” – (55 баллдан паст).

Таҳлил натижалари давлат ташкилотлари фаолиятидаги коррупцияга қарши курашиш йўналишида бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатган.

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги “яхши” дея баҳоланган ташкилотлар рўйхатиغا Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси бошчилик қилган (93 балл). Ундан кейинги ўринлари Ипотека банк (93 балл), Ўзбекистон саноат-қурилиш банки (91 балл), “Ўзкимёсаноат” (89 балл) эгаллаган. Адлия вазирлиги бўлса

81 балл билан рўйхатнинг 12-поғонасини банд этган.

“Қониқарли” ташкилотлар рўйхатининг энг юқорисидан эса “Ўзбекнефтьгаз” ва Ўрмон хўжалиги агентлиги (80 баллдан) ўрин олган. Бухоро вилояти ҳокимлиги ва Транспорт вазирлиги мос равишда 77 ҳамда 76 балл билан кейинги ўринларни банд этган.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (11 балл), Сув хўжалиги вазирлиги (13 балл), Адижон вилояти ҳокимлиги (18 балл) Энергетика вазирлиги (21 балл), Uzbekistan Airports (23 балл) билан коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги “Қониқарсизлар” рўйхатининг охирини эгаллаган.

Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали амалга оширилади. Унда 5 та йўналиш бўйича белгиланган 29 та индикатор асосида тегишли маълумотлар киритилади

Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан халқаро ва бошқа расмий тадбирларда совға олиш тартиби белгиланди

13 март куни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан таклиф этилган давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек, уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низом Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди, дея хабар бермоқда вазирлик матбуот хизмати.

Низомга кўра, давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистондан ташқаридаги хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар, Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро ва бошқа расмий тадбирларда совға олиши мумкин. Бироқ республикадаги бошқа хизмат сафарларида совға олиш мумкин эмас.

Давлат фуқаролик хизматчиси оладиган совға қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- миллий қонунчиликда тақиқланмаган ашёлар бўлиши;
- совға халқаро ва бошқа расмий тадбирда ихтиёрий берилган бўлиши;
- совға очик ва ошкора қабул қилиниши;
- давлат органининг обрўсига путур етказмаслиги;
- манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий омилни келтириб чиқармаслиги.

Қайд этилишича, давлат фуқаролик хизматчиси совғани тадбирдан келгандан сўнг 3 иш кунида хўжалик бўлимига беради ва бунда далолатнома тузилади. Совғанинг қиймати аниқ бўлмаса, хўжалик бўлими уни баҳолайди ва қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан (1,2 млн сўмдан) кўп бўлмаса, совға давлат фуқаролик хизматчисига берилади.

Совға қиймати БҲМнинг 4 бараваридан кўп бўлса, у молия-иқтисод бўлинмаси томонидан давлат органи балансига кирим қилинади ҳамда унинг эҳтиёжи учун фойдаланилади.

Тез яроқсиз ҳолга келувчи совғалар (гул, ширинликлар), шунингдек, канцелярия тўпламлари (тақвим, буклет, пластмассали ручка, кўндалик ва блокнот) совға сифатида расмийлаштирилмайди ҳамда ушбу совғалар давлат фуқаролик хизматчисида қолдирилади.

Мазкур низом талаблари барча давлат фуқаролик хизматчилари учун мажбурий ҳисобланади, дейилади хабарда.

Ўзбекистон олти йилда хориждан 59 та локомотив харид қилди

Ўзбекистон 2016—2022 йилларда локомотивлар паркини янгилаш мақсадида хориждан 59 та локомотив харид қилди. Бу ҳақда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ахборот хизмати хабар берди.

Фото: “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ахборот хизмати


Хабарга кўра, 11 дона “O’z-EL”, 7 дона “ЗЕС5К”, 22 дона “2O’z-ELR”, 8 дона “2O’z-UY” электровозлари ҳамда 4 та “Афросиёб” юқори ҳаракатланувчи электр поезди ва унинг қўшимча вагонлари харид қилинган.

Ушбу замонавий локомотивларга техник хизмат кўрсатиш жараёнини ташкиллаштириш учун “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг локомотив деполари замон талабларига жавоб берувчи керакли жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш мақсадида, Хитойдан 30 дона замонавий стенд харид қилинди. Шу жумладан, Хитойдан 3 дона, Испаниядан 5 дона локомотивларнинг гилдирак жуфтликларини йўниш дастгоҳи, 2 дона электровоз ток қабул қилгувчини текшириш стенди ва 1 дона локомотив гилдирак тортув электр двигателни синаш стендлари келтирилди.

Қайд этилишича, локомотив деполаридаги локомотивларнинг техник сувини ва мойлаш материаллар сифатини текшириш

ҳамда анализ қилиш жараёнини янгилаш мақсадида “Ўзбекистон” локомотив депосига 20 дона керакли лаборатория жиҳозлари харид қилинди. Шунингдек, локомотивнинг тортиш меъёри ва бошқа параметрлари (подшипник ҳароратини, тортув электр двигатель кучланиши, тор-мозлаш ва тортув режимлар)ни текшириш мақсадида динамометрик вагонга замонавий жиҳозларни Хитойдан харид қилиниб, “Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖда қурилди.

Бундан ташқари, 2019 йилда Тошкентдаги Чуқурсой бекатида локомотивларга техник хизмат кўрсатиш цехи қурилди. Юқоридаги харид қилинган замонавий локомотивларни бошқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, олиб келинган жиҳозларни ишлатиш бўйича ва хорижий етакчи ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва мутахассислар малакасини ошириш мақсадида тажриба алмашиш тизими йўлга қўйилди.



Сўнгги вақтларда Россияда ишлаётган меҳнат ми-грантлари орасида банк хизматлари билан боғлиқ турли фирибгарликларга дуч келиш ҳолатлари юз бермоқда, дея хабар берди Ташқи ми-грация агентлиги матбуот хизмати.

Миграция агентлиги Россиядаги ўзбекистонликларни банк хизматлари билан боғлиқ фирибгарликдан огоҳлантирди

Хусусан, қариндошларига пул ўтказиш мақсадида мобил иловадан фойдаланиш жараёнида меҳнат мигранти ҳисоб рақамидан пул ечиб олиш ёки унинг номига юқори фоизли кредитлар расмийлаштириш каби муаммолар учрамоқда.

Ушбу ҳолатлар бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қатор суриштирув ишлари бошланган.

«Шу муносабат билан, юртдошларимиздан банк хизматларидан, хусусан, пул ўтказиш тизимларидан фойдаланишда эҳтиёткор бўлишни, шахсий маълумотларни ҳеч кимга маълум қилмасликни сўраймиз», — дейилади хабарда.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ Россияда ишлаётган Ўзбекистон фуқароларига катта пул эвазига наркотик ёки тақиқланган моддалар солинган буюртмаларни етказиб бериш таклиф қилинаётгани маълум бўлганди. Миграция агентлиги фуқароларни норасмий курьерлик хизматларига ишонмасликка, етказиб беришдан олдин маҳсулотни текширишга чақирганди.

Мамалакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳоли тўғрисида тўла ва ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 16-мартдаги “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги УРҚ-611-сонли қонуни қабул қилинди.



Аҳолини рўйхатга олиш марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади

Мазкур қонунга асосан аҳолини рўйхатга олиш жараёни даврийлик-аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилиши, умумийлик ва бир пайтдалик-аҳолини рўйхатга олишнинг ягона белгиланган санасида шахсга доир маълумотларни барча респондентлардан йиғиш Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида бир пайтнинг ўзида амалга оширилади, рўйхатга олишнинг якка тартибдалиги-шахсга доир маълумотлар йиғилаётганда рўйхатга олиш варағи ҳар бир респондент учун якка тартибда тўлдирилади, шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги-аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотлари махфий бўлиб, респондентнинг розилигисиз ошкор этилмайди ва тарқатилмайди, аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги—Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, аҳолини рўйхатга олишни ягона бошқарув тизимини яратиш асосида марказлаштирилган ҳолда амалга оширилиши каби тамойилларига таянади.

Бундан ташқари мазкур қонуннинг 3-моддасига асосан, аҳолини рўйхатга олиш — Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни,

Ўзбекистон ва Япония ўртасида мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилади

Uzbekistan Airways Ўзбекистон ва Япония ўртасида мунтазам авиақатновларни йўлга қўяди. Бу ҳақда авиакомпания матбуот хизмати хабар берди.

Хабарга кўра, 13 апрелдан бошлаб Ўзбекистон ва Япония ўртасида мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилади. Японияга тўғридан-тўғри парвозлар ҳар ҳафта пайшанба кунлари амалга оширилади.



Ўзбекистонда электр, газ ва сувни талон-торож қилганлар 5 йилгача озодликдан маҳрум этилиши белгиланди

Сенат Ўзбекистонда электр, газ ва сувни талон-торож қилиш ўғрилик жинояти деб баҳоланишини маъқуллагани тўғрисида хабар берилганди. Адлия вазирлигининг маълум қилишича, бу борадаги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Жумладан, Жиноят кодексига киритилган қўшимчага кўра:

- умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан улаиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштиш йўли билан талон-торож қилиш ўғрилик деб



белгиланди ҳамда мазкур ҳуқуқбузарлик учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчага кўра, ушбу ҳуқуқбузарликни оз миқдорда содир этган шахсларга қўйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- БХМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача (3 миллион сўмдан 6 миллион сўмгача) миқдорда жарима;
- ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш.



Тўқликка шўхликми ёки нима учун Фарғонада безорилик ҳолатлари кўпаймоқда

Эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, Фарона вилоятида 2022 йил давомида 56 минг 206 нафар шахсга нисбатан 45 минг 765 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилган. Таъкидлаш керакки, майда безорилик билан боғлиқ ишлар 3 минг 820 тага, ички ишлар ходимининг қонуний талабини бажармаслик 1 минг 974 тага кўпайган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, майда безорилик ҳолатлари фақатгина жамоат тартибини қасддан менсимаслик билан боғлиқ бўлади. Яъни, уни содир этган шахс ўзини ўраб турган инсонлар ва жамиятга нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлади, жамиятда ўрнатилган, умумэтироф этилган қоидаларни қасддан бузади.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг хавфли жиҳати шундаки, уни содир этган шахс ахлоқидан ўзини ўраб турган жамият ва унда белгилаб қўйилган қоидаларга нисбатан ҳурматсизларча муносабатда бўлиш, кўпчилик олдида номақбул ҳаракатлардан ўзини тута олмаслик каби салбий одатлар шаклланади.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддасида безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса жиноий жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

Бахтиёр Юлдашев,
Фарғона вилоят маъмурий суди судьяси.

Навоийда ХТБ мансабдорлари бюджет маблағларини талон-торож қилгани аниқланди

Навоий вилояти Хатирчи туманида бюджет маблағларини талон-торож қилган халқ таълими бўлими мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Бу ҳақда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги хабар берди.

Маълум қилинишича, Навоий вилоятида яшовчи фуқаро Н.О.нинг Хатирчи тумани халқ таълими бўлими мансабдор шахсларининг ҳатти-ҳаракатларидан ҳамда бўлимдаги ижтимоий-маънавий муҳитдан норози бўлиб, Президент виртуал қабулхонасига йўллаган мурожаатлари агентлик томонидан кўриб чиқилган.

Урганиш натижасига кўра, муаллифнинг шикоятлари ҳамда тўпланган ҳужжатлар ваколат доирасида кўриб чиқиш учун тегишли идораларга юборилган.

Шунга асосан Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Навоий вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган терговга қадар текширишда ушбу ХТБ мансабдор шахслари ўзаро жиноий тил бириктириб, 2022 йилнинг июнь-декабрь ойларида 43,6 миллион сўм миқдоридаги раббатлантириш ва иш ҳақларини ноқонуний ҳисоблаб, бюджет маблағларини талон-торож қилгани аниқланган.

Ҳолат юзасидан 26 февраль куни ушбу шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисм "г" банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Ҳозирда мазкур жиноят иши доирасида прокуратура идоралари томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ДХХ Чегара қўшинлари ва Наманган вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари томонидан олиб борилган тезкор-қидирув тадбирларида катта миқдордаги наркотик моддаларнинг ўзбек-қирғиз давлат чегарасидан ноқонуний ўтказилган ҳолати аниқланди, деб хабар беради ЎЗА.



Тошкентда гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланган талабалар ушланди

Қайд этилишича, давлат чегарасининг Янгиқўрғон тумани ҳудудидан ўтувчи қисмида номаълум шахслар томонидан қолдириб кетилган 14 килограмм 512 грамм гашиш моддаси борлиги аниқланиб, процессуал тартибда расмийлаштириб олинган.

Ҳозирда ҳолат юзасидан ДХХ Наманган вилояти бўйича бошқармаси томонидан Жиноят кодексининг 246-моддаси (Контрабанда) билан жиноят иши қўзғатилиб, ушбу гиёҳвандлик воситалари эгаларининг шахсига аниқлик киритиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ДХХ Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда эса Наманган—Тошкент йўналишида ҳаракатланаётган Lacetti русумли автомашина Оҳангарон тумани ҳудудида тўхтатилган.

Автомашина кўздан кечирилганда, унда йўловчи сифатида кетаётган, Фарғона вилоятида туғилган 21 ёшли фуқарога тегишли қўл сумкаси ичида 50 грамм героин моддаси, 672 дона "Регален" ва 300 дона "Тропикамид" кучли таъсир қилувчи дори воситалари борлиги аниқланиб, процессуал тартибда расмийлаштириб олинди.

Тезкор тадбир давом эттирилиб, Қирғизистон фуқароси томонидан Янгиқўрғон тумани ҳудудига контрабанда йўли билан ўтказилган ушбу гиёҳвандлик воситаларини 1,8 минг долларга сотиб олган Бухоро вилоятида туғилган 27 ёшли шахс ҳам Оҳангарон туманидаги "Чинор" ИПХ масканида ушланган.

Таъкидланишича, мазкур шахсларнинг бири Тошкент шаҳридаги давлат, иккинчиси эса нодавлат университетларнинг талабалари ҳисобланиб, улар пойтахт ҳудудида наркотик моддалар савдоси билан шуғулланишган.

Ҳозирда ушбу фуқароларга нисбатан ДХХ Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

30 минг қутига яқин тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди

Мамлакатимизга акциз маркалари билан маркаланмаган тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб кирилиши, сақланиши ва айланлишига божхона органлари томонидан тизимли равишда қарши кураш олиб борилмоқда. Бу борада вилоятда хизмат олиб бораётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган тезкор тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, Фарғона вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш бўлими ходимлари вилоят ДХХ, ИИБ ва Миллий Гвардия ходимлари билан ҳамкорликда Қўқон шаҳрида тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасини олдини олишга қаратилган навбатдаги тезкор тадбир ўтказилди. Тадбирда, тезкор маълумотларга асосан, ушбу шаҳар ҳудудида яшовчи фуқаро Н.Х. яшаш хонадони ҳолислар иштирокида кўздан кечирилди. Натижада, хонадонда фуқаро И.З.га тегишли бўлган, хорижда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари

бўлмаган ва акциз маркалари билан маркаланмаган умумий қиймати 350 миллион сўмлик 16 турдаги жами 30 минг қутига яқин тамаки маҳсулотлари борлиги аниқланди. Ушбу тамаки маҳсулотлари хориждаги айнан қайси корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлиги ҳамда сифатини кафолатловчи бирор-бир ҳужжатлари ҳам мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вилоят божхона бошқармаси
матбуот хизмати.

Тошкент аэропортида самолёт фарроши йўловчининг пуллари-ни ўзлаштиргани аниқланди

Тошкент аэропортида самолёт фарроши йўловчи сумкасидаги пуллари ўзлаштириб олди. Бу ҳақда Транспорт ва туризм объекларида хавфсизлиқни таъминлаш департаменти хабар берди.

Маълум қилинишича, мазкур ҳолат 10 март куни соат 23:30 да пойтахт аэропортида бўлиб ўтган. Олмаота—Тошкент авиарейси билан келган Ўзбекистон фуқароси самолётда сумкасини унутиб қолдирганини айтган. Сумкада 1,8 минг доллар 300 минг сўм, банк картаси, қўлоқчинлар ва телефон қувватлагичи бўлган.

Терговга қадар текширув ишлари натижасида аниқланишича, самолётларни тозалаш билан шуғулланувчи хусусий клининг компанияси ходимаси мазкур сумкани топиб олиб, уни ўзлаштиргани аниқланган.

Аёлдан пул ва буюмлар ашёвий далил сифатида гўвоҳлар иштирокида расмийлаштирилиб олинган. Мазкур ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ишлари олиб борилмоқда.



Тошкент вилоятида 420 гектар ерни 700 минг долларга ноқонуний сотмоқчи бўлганлар ушланди

Тошкент, Жиззах ва Андижон вилоятларида ер сотиш билан боғлиқ ноқонуний ҳолатлар аниқланди, деб хабар бермоқда ЎЗА.

Тошкент вилоятидаги ҳолатда Оҳангарон туманидаги чорвачиликка ихтисослашган МЧЖ раҳбари ҳамда унинг отаси, шунингдек, Қибрай туманидаги маҳаллалардан бирининг раиси ўзаро келишган ҳолда Оҳангарон туманида жойлашган мазкур МЧЖга тегишли 270 гектар ва унга туташ бўлган туман ҳокимлиги захирасидаги 150 гектар, жами 420 гектар ерни юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали харидор номига расмийлаштириб бериш эвазига 700 минг доллар талаб қилган.

ДХХнинг Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси ходимлари томонидан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда мазкур уч нафар фуқаро сўралган пулдан 100 минг долларни олдиндан олган вақтида ушланган.

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган МЧЖ раҳбари мазкур туманда жойлашган бошқа иккита МЧЖга қарашли 50 гектар ерни гўеки ўзига тегишли эканлигини айтиб, харидорга 60 минг долларга сотишни режалаштирган.

Шунингдек, ушбу 50 гектар ердан

30 сотихини вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассиси ёрдамида нотурар жой сифатида расмийлаштириб бериш эвазига қўшимча 4 минг доллар сўраган.

ДХХ Жиззах вилояти бўйича бошқармаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг ҳудудий бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда МЧЖ раҳбари ҳамда вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассиси харидордан 64 минг доллар олган вақтида ушланган.

Андижон вилоятида қайд этилган ҳолатда Олтинқўл туманида яшовчи 1991 йилда туғилган фуқаро туман ҳокимлиги захирасида бўлган 144 квадрат метр бўш ер майдонини алдов йўли билан гўеки ўзига тегишли эканлигини айтиб, кадастр тизимида ишловчи танишлари орқали харидор номига расмийлаштириб бериш эвазига 38 минг доллар олган вақтида ДХХ ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан ушланган.

Ҳозирда мазкур шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Андижонда икки ойда 26 марта қоида бузган ҳайдовчи 28 млн сўм жарима тўлади

Андижон шаҳрида икки ойда 26 марта қоида бузган ҳайдовчи 28 миллион сўм жарима тўлади. Бу ҳақда МИБ ахборот хизмати “Дарё”га хабар берди.

Хабарга кўра, фуқаро Б.И. автомобилда ҳаракатланаётган вақтда йўлларда белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб, 2022 йил 20 октябрдан 28 декабрга қадар, яъни 2 ой давомида жами 26 та қоидабузарлик содир этган. Натижада 26 та қоидабузарлик бўйича маъмурий жарима қўлланилган бўлиб, унинг миқдори 28 170 000 сўмга бориб етган.

Маъмурий жарималарни ундириш мақсадида бюронинг Андижон шаҳар бўлими ходимлари томонидан фуқаро Б.И. билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, қўлланилган 28 170 000 сўм жарима пуллари тўлиқ ундирилди.

Бухорода маст эркак ички ишлар ходимини уриб, бурнини синдирди

Бухоро шаҳрида маст эркак ички ишлар органи ходимини уриб, бурнини синдирди. Бу ҳақда вилоят Ички ишлар бошқармаси ахборот хизмати хабар берди.

Хабарга кўра, 11 февраль куни соат 22:06 ларда вилоят ИИБ “102” марказлашган тизимига Бухоро шаҳар “А.Темур” кўчасида яшовчи Д.Д. исмли эркак маст ҳолатда турмуш ўртоғи билан жанжал қилаётгани тўғрисида мурожаат келиб тушган. Мазкур хабарнома асосида ҳодиса жойига Бухоро шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 1-сон ИИБ профилактика инспектори ҳамда вилоят Ички ишлар бошқармаси ЖХХ ЖСТБ пост патрул хизмати батальони ходимлари етиб борган.

Улар спиртли ичимлик истеъмол қилганликда гумон қилинган Д.Д. ни хизмат автомашинасида тиббий кўрикдан ўтказиш учун “Пиридастгир” кўчасида жойлашган 11-сон поликли-

никанинг қабулхонасига олиб борган. Шу вақт Д.Д. ходимларнинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, ҳеч бир сабабсиз уларни ножўя сўзлар билан ҳақорат қилган ва хизмат фаолиятини олиб бораётган ИРБ профилактика инспекторининг юз қисмига қасддан мушт тушурган.

Суд тиббий экспертизасининг ҳулосасига кўра, эркак ходимга “бурун суягининг ёпиқ синиши” билан кечган тан жароҳати етказиб, хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишига мажбур қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 219-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жиззахда ЙПХ ходимларининг формасида вайн ишлаган икки эркак жавобгарликка тортилди

Жиззах вилоятида ички ишлар органларини обрўсизлантувчи видеолавҳа тайёрлаб, ижтимоий тармоқларда тарқатган икки шахс жавобгарликка тортилди. Бу ҳақда вилоят ИИБ ахборот хизмати хабар берди.

Ижтимоий тармоқларда ички ишлар органларининг формасида вайн ишлаган шахсларнинг видеоси тарқалди. ИИБ ходимлари ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатларини олиб борган ва уни тайёрлаган фуқароларнинг шахсига аниқлик киритилган. Тўпланган ҳужжатлар ҳудудийлик жиҳатидан жиноят ишлари бўйича Галлаорол туман суди томонидан кўриб чиқилган. “Узим вайнерман, одамларга кулгили қисқа видеоларни улашиш бўйича ишлайман. Ҳозирги видеомизни ҳам Россия каналларида кўрганман ва таржима қилиб, ўзимизда чиқардим. Бундан мақсад орган ходимларининг устидан кулиш эмас, одамларга соф кулги улашиш эди”, — дейди айбланувчи. Суд қарори билан вайнерлардан бири Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси (Майда безорилик) билан айбдор деб топилиб, 15 сутка, шеригига эса 10 сутка қамоқ жазоси тайинланди.



Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида 21 ёшли аёл турмуш ўртоғи унга эътибор бермаётгани учун жиноятга қўл урди, деб хабар беради ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти.

Наманганда аёл эрининг эътиборини тортиш учун ўз уйида босқинчилик қилди

Қайд этилишича, 10 февраль куни Тўрақўрғон ИИБга 21 ёшли Б.М. қўнғироқ қилиб, номаълум шахс Тўрақўрғон тумани Ҳамроҳ кўчасида жойлашган хонадонига юзига ниқоб таққан ҳолда кириб, уни ва 1 ёшли қизини ўлдириш билан қўрқитиб, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатгани тўғрисида мурожаат қилган. Аёلнинг сўзларига кўра, жиноятчи қўлида бўлган пичоқ билан унинг бўйин қисмига жароҳат етказиб, уйда бўлган 19,2 миллион сўмлик тилла-тақинчоқларини босқинчилик йўли билан қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Тўрақўрғон туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлини маси томонидан номаълум шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми “в” банди (босқинчилик) билан жиноят иши қўзғатилган.

Олиб борилган тергов-тезкор ҳаракатлари натижасида жабрланувчи Б.М. ўзининг турмуш ўртоғи унга нисбатан безътибор бўлаётгани сабабли унинг эътиборини ўзига жалб қилиш мақсадида, шу куни хонадонига ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, барча хоналарини титиб ташлаб, бирга яшовчи қайнонаси ётоқхонасидан 19,2 миллион сўмлик тилла-тақинчоқларини яшириб, бўйнига игна орқали шилинма тортгани аниқланган. Шундан сўнг, у гўеки яшаш хонадонига номаълум шахс ғайриқонуний равишда кириб, пичоқ билан ўзи ва чақалоғини ўлдириш билан қўрқитиб, тилла тақинчоқларни олиб кетгани ҳақида Тўрақўрғон тумани ИИБга ёлгон хабар берган.

Б.М.нинг яшаш хонадони кўздан кечирилганда ўзи томонидан яширилган тилла тақинчоқлар ашёвий далил сифатида ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Б.М. Жиноят кодексининг 237-моддаси 2-қисми “г” банди (ўта оғир жиноят содир этишда айблаб содир этилган ёлгон хабар бериш) билан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниб, унга нисбатан гаров эҳтиёт чораси қўлланган.

Жиноят иши айблов ҳулосаси билан тегишли судлов органига юбориш масаласини ҳал этиш учун Тўрақўрғон туман прокуратурасига юборилган.

Тошкентда 24 ёшли йигит интернет ўйинларидаги катта қарзи сабаб ўз жонига қасд қилди

Тошкентда 24 ёшли йигит кўп миқдорда қарз бўлгани сабаб ўз жонига қасд қилди. Бу ҳақда “Миллий” телеканалининг “Миллар” дастурида маълум қилинди.

Қайд этилишича, у турли хил интернет ўйинларига ишқибоз бўлган. Аввалига мўмайгина даромад топган йигит кейинчалик шу ўйинлар сабаб катта қарзга ботган. Оқибатда ўз жонига қасд қилган.

Шифокорнинг айтишича, йигит ўта оғир аҳволда олиб келинган. Қариндошларининг сўзларига кўра, у кўп миқдорда уксус ичиб юборган. Бунинг оқибатида оғиз бўшлиғи, қизилунгач, ошқозонида кимёвий куйиш кузатилган.

Беморга биринчи ёрдам сифатида унинг ошқозони ювилган. Ҳозирда аҳволи оғир беморга керакли муолажалар кўрсатилмоқда.

Тошкентда инфокиоскани ўғирлаб, уни каналга ташлаб юборган эркак ушланди

Тошкент шаҳрида дўкон қаршисидаги инфокиоскани ўғирлаб кетган эркак ушланди. Бу ҳақда “Тошкент” телеканали орқали эфирга узатилган лавҳада маълум қилинди.

Қайд этилишича, ҳуқуқ-тартибот идораларига Миробод туманида номаълум эркак озик-овқат дўконига ўрнатилган Paynet инфокиоскасини ўғирлаб кетгани тўғрисида хабар келиб тушган. Мазкур терминал қиймати 31 миллион сўмга тенг.

ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракати билан ўғирликда гумонланган шахс қўлга олинган. Сўроқ давомида 33 ёшли Б. инфокиоскани очиб 7 миллион сўмни олгани, кейин терминални каналга ташлаб юборганини билдирган.

Шунингдек, эркак кучли таъсир қилувчи дори воситалари таъсирида бўлганини айтган.

“Уша куни ‘Перегабалин’ ичгандим (тутақаноққа қарши дори — тахр.). Одатда кунига биттадан ичаман. Қилган ишимдан пушаймонман, бошқа бундай қилмасликка ваъда бераман”, — дейди гумонланувчи.

Ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 169-модда (Ўғирлик) 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.





15 март – Бутужаҳон истеъмолчи ҳуқуқлари куни

Кейинчалик истеъмолчиларнинг ушбу ҳуқуқлари Халқаро истеъмолчилар ташкилоти (Consumers International) томонидан яна 4 та ҳуқуқлар, яъни зарарларни қоплатиш ҳуқуқи, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ, истеъмолчилик таълимини олиш ҳуқуқи, асосий эҳтиёжларни қондириш ҳуқуқи билан тўлдирилиб, ташкилотнинг бу борадаги асосий тамойиллари сифатида қабул қилинган.

15 март БМТ томонидан 1983 йилда Бутужаҳон истеъмолчи ҳуқуқлари куни сифатида эътироф этилди ва шу йилдан бошлаб ҳар йили бутун дунё бўйлаб кенг нишонланиб келмоқда.

Маълумот ўрнида

Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Ушбу кунни Бутужаҳон истеъмолчи ҳуқуқлари куни (ингл. World Consumer Rights Day) сифатида эътироф этилиши тарихи Америка Қўшма Штатлари президенти Жон Кеннедининг АҚШ Конгрессида нутқ сўзлаган санаси (15.03.1061 йил)га мос келади. Унда илк мартаба “истеъмолчи” тушунчасига юқори даражада эътибор қаратилиб, Ж.Кеннеди истеъмолчиларнинг 4 та ҳуқуқлари бўйича асосий тамойилларни тақлиф қилганди. Булар истеъмолчиларнинг: ахборот олиш ҳуқуқи, хавфсизлик ҳуқуқи, танлаш ҳуқуқи ва эшитилган бўлиш ҳуқуқлари эди.

ҳаракати 1996 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 4 ва 30-моддаларига мувофиқ вужудга келди. Ушбу ҳаракат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 414-қарори билан янада қўллаб-қувватланиб, юртимизда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг вужудга келишига кенг йўл очиб берди.

Худудий бирлашма Ахборот хизмати.

Ўлчами тўғри келмаган палто сотувчига, пули эса истеъмолчига қайтарилди

Олтиариқ туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида Бозорбоши маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Ш.К.нинг сотувчидан ўлчами тўғри келмаган палтони пулини қайтариб ололмаётганлиги тўғрисидаги ёзма мурожаати ўрганилди.

Истеъмолчининг маълум қилишича, у туман марказида жойлашган кийим-кечаклар савдо дўконидан қизи учун аёллар палтосини 1 млн 800 минг сўмга харид қилиб, уйга олиб келганлиги, қизига кийдирганида эса палтонинг ўлчами мос келмаганлигини, шундан сўнг палтони сотувчига қайтариб олиб келганлигини баён қилади. Лекин сотувчи худди шу фасондаги ва истеъмолчи сўраган ўлчамдаги палто сотувда қолмаганлигини ваз қилиб, ўрнига бошқа фасондаги палтолاردан бирини бериши мумкинлигини, бўлмаса пулини қайтариб келинган товар сотилгандан сўнг олишини маълум қилган.

Амалдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида истеъмолчининг мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақлилиги кўрсатиб ўтилган. Фақатгина ушбу турдаги товар «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари»нинг 1-иловасида кўрсатиб ўтилган, юқоридаги каби ҳолатларда алмаштирилмайдиган ёки сотувчилар томонидан қайтариб олинмайдиган товарлар рўйхатига кирмаса бўлди. Албатта, истеъмолчи ҳам ўз ўрнида алмаштиришга келтирилаётган товарларни истеъмол қилинмаган бўлишига, унинг товар кўриниши, истеъмол хоссалари, пломбаси, ёрлиқлари сақланган бўлишига жиддий эътибор қаратиши лозим бўлади.

Истеъмолчи мурожаатини ўрганиш жараёнида тарафларга қонунчиликнинг юқоридаги талаблари тушунтирилди. Урганиш якунлари билан эса сотувчи 1 млн 800 минг сўм пулни истеъмолчига қайтарди.

Дилорам Мирзаева,
Олтиариқ туман жамияти мутахассиси.

Қарздорлик асосиз бўлиб чиқди

Қўштепа тумани «Баландмасжид» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи А.Р.нинг истеъмол қилинган табиий газ тўловлари бўйича асосиз қарздорлик ҳисобланаётганидан норози бўлиб Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасига қилган мурожаати тегишлилиги бўйича Марғилон шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассислари томонидан ўрганилди.

Истеъмолчи мурожаати асосида олиб борилган ўрганиш ишларида мурожаат эгасининг «Хумдон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган хонадонига замонавий АСКУГ газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилганлиги, хонадон эгалари томонидан табиий газ учун амалга оширилган тўловларни ҳисоблагич кўрсаткичлари асосида қайта ҳисоб-китоб қилинганда хонадоннинг қарздорлиги мавжуд эмаслиги, мазкур хонадонга ҳақиқатда ҳам 600 минг сўм миқдорида қарздорлик ҳисобланганлиги, мазкур қарздор-

ликнинг эса техник хатолик туфайли юзага келганлиги маълум бўлди. Урганиш натижалари билан техник хатолик сабабли электрон базага кириб қолган қарздорлик бўйича тегишли тартибда далолатнома тузилиб, юзага келган нореал қарздорликни тез фурсатда бартараф қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

Шахло Касимова,
Фарғона вилоят худудий бирлашма ҳуқуқий ҳимоя мутахассиси.

«Жарима» суммаси истеъмолчига қайтарилди

Бағдод тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида «Муқимий» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Қ.Ақбаровнинг мурожаати ўрганилди.

Мурожаатчига кўра, у шу йилнинг феврал ойи бошларида туман марказида жойлашган «Азия» кредит савдо дўконидан OPPO A17 русумли телефон аппаратини 3 млн 50 минг сўмга харид қилган. Телефонни уйга олиб бориб ишлатиши жараёнида унда қизиб кетиш, қувватининг ҳеч қанча вақтга етмасдан ўчиб қолиш ҳолатлари кузатилган. Савдо дўконига келиб нуқсонлар тўғрисида сотувчига айтганида эса, алмаштириб олиш учун 305 минг сўм жарима тўлаши кераклиги айтилган. У ёнида 120 минг сўм пули борлигини айтганида сотувчи томони ушбу суммага рози бўлиб, истеъмолчи нуқсонли деб даъво қилган телефон олиб қолинган. Лекин орадан бир ой ўтиб, истеъмолчидан ойлик тўловлардан қарздорликни бартараф қилиб қўйилиши сўралган.

Мурожаатни ўрганиш давомида туман жамияти мутахассислари томонидан сотувчи томон масъул ходимлари билан учрашилиб, амалдаги қонунчилик талаблари юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишлари борилди. Урганиш натижалари билан эса шартнома бекор қилинишига, нуқсонли телефон сотувчи тасарруфига топширилганлигидан келиб чиққан ҳолда, «жарима» учун деб олинган 120 минг сўм пулни истеъмолчига қайтарилишига эришилди.

Дилорам Мирзаева,
Бағдод туман жамияти мутахассиси.

Шартнома бекор қилиниб, тўланган пул суммаси қайтариб олинди

Андижон вилоятининг Улуғнор туманида яшовчи А.Райимжонов Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг республика бўйича ягона 1091 қисқа рақамли ишонч телефонида харид қилган музлатгичи нуқсонли чиққанлиги масаласида мурожаат қилган.

Истеъмолчи мурожаатини тегишлилиги бўйича Ёзёвон туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассислари томонидан ўрганилиши жараёнида, «Samsung» русумли музлатгич туман ҳудудида фаолият олиб бораётган «Имкон» савдо марказидан жорий йилнинг 8 январь кунда 7 млн 716 минг сўмга харид қилинганлиги, хонадонда фойдаланиш даврида унда нуқсон кузатилгач, савдо маркази масъулларига мурожаат қилганлиги, лекин улар томонидан сервис марказига мурожаат қилиш тушунтирилганлиги, лекин шу кунга қадар истеъмолчининг кафолат даврида бепул таъмирлаш ишларини амалга ошириш ёки нуқсонли твояр учун тўланган пулни қайтариш тўғрисидаги талаблари бажарилмаганлиги маълум бўлди.

Амалдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига кўра, истеъмолчи сотувчига нуқсонли товарни алмашти-

риш, кафолат муддати даврида бепул таъмирлатиш, шартномани бекор қилиб қўрилган зарарни қоплатиш ва бошқа шу каби талабларини қўя олади. Сотувчи эса истеъмолчининг қонуний талабларини қаноатлантирилиши чораларини кўриши лозим.

Истеъмолчи мурожаатини ўрганилиши жараёнида тарафларга истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари, жумладан мазкур талабларни бажармаслик натижа-сида келиб чиқувчи молиявий санкциялар (пеня (неустойка) ва б.), истеъмолчи ҳуқуқини суд тартибиде ҳимоя қилинганда нафақат моддий зарар, шунинг билан биргаликда маънавий зарарларни ундирилиши каби ҳолатлар тушунтирилди.

Урганиш якунлари билан эса, савдо маркази томонидан истеъмолчига 7 млн 716 минг сўм пул қайтарилди.

Раҳматилло Шодмонов, Ёзёвон туман жамияти мутахассиси.

Тўловни кечиктирилиши бу уни келажакда тўланмайди дегани эмас

Ўзбекистон тумани маъмурий маркази Яйпан шаҳрида яшовчи Н.И. фойдаланилаётган табиий газ таъминотида юзага келаётган муаммолардан норози бўлиб Федерация мутахассисларига мурожаат қилган.

Истеъмолчининг маълум қилишича, хонадоннинг табиий газ истеъмоли кўрсаткичлари замонавий АСКУГ электрон газ ҳисоблагичи орқали назорат қилиб борилади. Истеъмолчи тўловларни ана шу ҳисоблагич кўрсаткичлари асосида тўлаб боришга интилади. Лекин жорий йилнинг феврал ойида 100 минг сўм олдиндан тўлов амалга оширган бўлсада, ҳеч қанча вақт ўтмай тармоқдан автоматик тарзда узиб қўйилган ва эртаси куни балансида 27 минг сўм миқдорда маблағ қолганлиги тўғрисида СМС хабарнома келган. Шундан сўнг у ушбу ҳолатга аниқлик киритиб берилишида ёрдам сўраб Ўзбекистон туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилган.

Маълумки, замонавий газ ҳисоблагичлар истеъмолчида олдиндан тўлов бўлган тақдирдагина тармоқдан хонадонга газ ўтказиб, олдиндан тўлов суммаси тугаши билан хонадонни тармоқдан автоматик тарзда узади. Лекин жорий йилнинг январь ойида маамлакатимиз ҳудудида кузатилган аномал совуқлар туфайли аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида бундай турдаги газ ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадонларни, ҳисобида олдиндан тўлов суммаси бўлиши ёки бўлмаслигига қарамасдан, автоматик тарзда тармоқдан узмасдан, табиий газ етказиб бериб турилди. Бу ҳақда мобил алоқа ва интернет тармоқлари орқали аҳолига хабарномалар ҳам берилди.

Мурожаат эгаси эса табиий газни бундай шартларда етказиб берилаётганлиги тўғрисидаги хабарларни ўз вақтида кузатиб бормаганлиги ортидан, юқоридаги тушунмовчилик келиб чиққан. Урганиш ишлари ҳам хонадонга ҳисобланган истеъмол кўрсаткичларини тўғрилигини, охириги амалга оширилган тўловдан ечиб олинган сумма эса аномал совуқлар ортидан тўловни кечиктирилишидан ҳосил бўлган сумма эканлиги, хонадонга нисбатан асосиз қарздорликлар ҳисобланмаганлигини кўрсатди. Табиий газ истеъмолчисига бу ҳақда тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шу ўринда истеъмолчилардан давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг расмий каналлари ва саҳифалари орқали мавжуд мобил алоқа ва интернет тармоқлари воситасида тарқатилаётган хабарларни кузатиб бориш, хабарнинг мазмуни ва хабар матнидаги талаб, тақлиф, сўров, имтиёз ёки енгилликнинг моҳиятига эътибор қаратишларини сўраб қоламиз.

Исомиддин Аббасов,
Ўзбекистон туман жамияти мутахассиси.





Тошлоқ туман “Қамчифуруш” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи С. А.нинг тижорат банкидан олинган кредитни муддатидан олдин ёпганлиги сабабли суғурта компанияси томонидан унга қайтарилиши лозим бўлган суммани олишида муаммоларга дуч келаётганлиги масаласидаги мурожаати ўрганилди.

Олинган кредитни муддатидан олдин сўндирган истеъмолчига фойдаланилмаган суғурта мукофоти пуллари олишида ёрдам кўрсатилди

Истеъмолчи ўз мурожаатида “Қишлоқ қурилиш банк” Марғилон филиалидан тўрт йил муддатга олган кредитига гаров таъминоти сифатида ўзига тегишли бўлган “Нексия-3” русумли автомобилни тақдим қилганлиги, тартиб-қоидаларга кўра, автомобил суғурта қилинганлиги, суғурта шартномасида агар кредит муддатидан олдин сўндириладиган бўлса, суғурта компанияси томонидан унга муайян миқдордаги пул суммаси қайтарилиши лозимлиги, лекин кредитни муддатидан олдин сўндириб, суғурта компанияси масъулларига бу борада қилган мурожаати ижобий ечим топмаётганлигини маълум қилиб, ушбу масалада амалий ёрдам кўрсатилишини сўрайди.

Мурожаат Тошлоқ туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассислари томонидан суғурта компанияси масъуллари ҳамкорлигида ўрганилиши жараёнида ҳақиқатда «Кафолат суғурта компанияси» АЖ ва истеъмолчи ўртасида «Гаровга қўйилаётган автотранспорт воситаларини суғурта қилиш» шартномаси тузилганлиги ва истеъмолчининг фойдаланилмаган суғурта мукофотини қайтарилиши бўйича талаблари тўғрилиги исботини топди. Ўрганиш якунлари билан истеъмолчи банк пластик картасига 300 минг сўм миқдорида фойдаланилмай қолган суғурта мукофоти суммасини ўтказиб берилишига эришилди.

Шоҳистахон Раҳимова,
Тошлоқ туман жамияти мутахассиси.

Қарздорлик маълумотларни нотўғри киритиш оқибатида келиб чиққанлиги маълум бўлди



Қўқон шаҳрида яшовчи М.С. ичимлик суви таъминоти корхонасига тўловларда юзага келган асоссиз қарздорлик масаласида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси телеграм боти (PotrebitelUz_bot)га мурожаат йўллаган.

М.С. ўз мурожаатида “Фарғона сувтаъминот” МЧЖ Қўқон филиали унинг хонадонига нисбатан 7 млн 500 минг сўм миқдорида асоссиз қарздорлик ҳисоблаётганлигини билдириб, масалани ҳал қилинишида амалий ёрдам кўрсатилишини сўраган.

Истеъмолчи мурожаати асосида ўтказилган ўрганишлар сув таъминоти корхонаси ПК базасидаги хатолик натижасида, яъни корхона оператори

томонидан архив маълумотларини базага нотўғри киритилиши оқибатида келиб чиққанлиги, қарздорликнинг асоссизлиги маълум бўлди. Ўрганиш якунларига кўра қарздорлик истеъмолчининг тўлов мажбуриятидан олиб ташланди.

Мухаммаджон Улмасов,
Қўқон шаҳар жамияти мутахассиси.

Иситиш тизими қозони янгисига алмаштирилди

Марғилон шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассислари томонидан шаҳарнинг “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Р.У.нинг кредит шартларида сотиб олган янги хонадондаги иситиш тизимидан носозлик юзага келганлиги тўғрисидаги мурожаати ўрганилди.

Фуқарога кўра, улар томонидан кредит шартларида харид қилинган янги хонадонда яшаш ва хонадондаги иситиш тизимидан фойдаланиш жараёнида тизимни иссиқлик билан таъминлайдиган иситиш қозони бузилиб қолган. Фуқаро ушбу муаммо бўйича тўғридан-тўғри қурилиш фирмаси раҳбари ва иситиш қозонига кафолат берган ишлаб чиқарувчининг вакили (сервис маркази ходимлари)га мурожаат қилган. Лекин улар томонидан фуқаронинг қонуний талабларини ўрганиб чиқилиб, ҳал қилиш масаласи чўзиб юборилган. Шундан сўнг у ушбу масалада амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб, Марғилон шаҳар жамиятига мурожаат қилган.

Амалдаги “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига кўра, истеъмолчи узоқ муддат фойдаланиладиган товарда кафолат муддати ичида юзага келган нуқсонни бепул бартараф этилишини, нуқсонли товарни мақбул сифатдагисига алмаштирилишини талаб қилиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларга эгадир.

Истеъмолчи мурожаатини ўрганиш жараёнида шаҳар жамияти мутахассислари қурилиш фирмаси раҳбари ҳамда сервис хизматини кўрсатувчи масъуллар билан учрашиш асносида амалдаги қонунчилик талаблари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиши ортидан, истеъмолчи хонадонидagi 6 млн 780 минг сўмлик иситиш тизими қозони янгисига алмаштириб берилди.



Фахриддин Бойназаров
Фарғона вилоят ҳудудий бирлашмаси сектор бошлиғи.

Бажарилган иш сифатидан қониқмаган истеъмолчига пули қайтарилди

Фарғона шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида шаҳардаги поликлиникалардан бирида шифокор бўлиб ишловчи, Федерация аъзоси О.А.нинг хонадонига ўрнатилган жалюзи парданинг хонага мос тушмаганлиги борасидаги мурожаати ўрганилди.

Истеъмолчига кўра, у Фарғона шаҳрида фаолият олиб бораётган «В... D...» хусусий фирмасига хонадонига жалюзи парда ўрнатиш бўйича буюртма беради. Буюртма бажарилгач, бажарилган иш истеъмолчига маъқул келмаган ва у парданинг хонага мос тушмаганлиги ҳамда ортиқча қоронғулаштириб қўйганлиги важи билан ижрочиға уни бошқасига алмаштирилиши бўйича мурожаат қилган. Лекин ижрочидан ушбу талаби бўйича рад жавоби олган. Шундан сўнг Федерация мутахассисларига ушбу масалада амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилган.

Амалдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига кўра, агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса, ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёинки шартнома бекор қилиниб, қўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишига ҳақли.

Истеъмолчи ушбу ҳуқуқларини: ишни (хизматни) қабул қилиб олиш вақтида ёки унинг бажарилиши жараёнида нуқсонлар аниқланган тақдирда; кафолат муддати давомида, кафолат муддати бўлмаган тақдирда эса, иш (хизмат) қабул қилиб олинган кундан эътиборан олти ой давомида; импорт ёки бошқа кўчмас мулкда нуқсонлар аниқланган кундан эътиборан икки йил давомида рўёбга чиқариши мумкин.

Фарғона шаҳар жамияти мутахассислари томонидан ижрочиға қонуннинг ижоридagi талаблари юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилгач, ижрочи томонидан истеъмолчига 1 млн 875 минг сўм пули қайтарилишига эришилди.

Усмонжон Рузиев,
Фарғона шаҳар жамияти мутахассиси.

Тўлов тўланган бўлсада картадан қўшимча маблағ ечиб олинган

Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи У.А. ўзларига қарашли банк пластик картасидан ортиқча маблағ ечиб олинганлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилш жамиятлари Федерацияси Телеграмм боти орқали мурожаат йўллаган.

Мурожаат эгасининг билдиришича, у шаҳардаги “Elmakon” савдо дўконидан, истеъмол кредити шартларида, товар қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан, 5 млн 700 минг сўмга мобил телефон харид қилган. Шартнома унинг отаси А.А. номига расмийлаштирилиб, отанинг банк пластик картаси ойлик тўлов вақтида амалга оширилмаган тақдирда автоматик тарзда ечиб олиш дастурига ҳам уланган. Лекин тўловлар амалга ошириб келинаётганлигига қарамасдан, охириги ойда дастур банк картасидан ортиқча тўлов ечиб олган.

Мурожаат Қўқон шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассислари томонидан ўрганиш жараёнида истеъмолчи У.А. шартнома шартлари асосида тўловларни вақтида амалга ошириб келаётганлиги, лекин уларга қарашли бўлган банк картасидан 475 минг сўм ортиқча маблағ ечиб олинганлиги тасдиғини топди ва ўрганиш ишлари давомида ортиқча олинган маблағ истеъмолчига қайтарилди.

Алишер Рахимов,
Қўқон шаҳар ИХХҚ жамияти мутахассиси.

Адашиб марҳумнинг банк картасига келиб тушган пул маблағи нотариус орқали мерос сифатида олинадими?

Марғилон шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида Фарғона шаҳрида яшовчи С.А. нинг мобил илова орқали унга келиб тушиши керак бўлган сумманинг бошқа шахснинг банк картасига келиб тушганлиги, маблағни ўз банк картасига қайтаришида муаммолар келиб чиқаётганлиги борасидаги мурожаати ўрганилди.

Истеъмолчи ўз мурожаатида Россия Федерациясида ишлаётган яқин таниши М.М. дан 2 млн 491 минг сўм миқдоридаги пул маблағи, мобил илова орқали, банк пластик картасига ўтказиб берилиши жараёнида тушунмовчилик юзага келганлигини, сабаби ўзи бундан хабар бўлгани ҳолда унинг телефон рақамига марҳум отасининг ҳам банк картаси бириктирилганлиги, оқибатда пул 2017 йили оламдан ўтган падари бузруқвори номидаги банк картасига келиб тушганлиги, пул келиб тушган картанинг эса унинг қўлида эмаслиги, қаердалигини ҳам билмаслигини, энди ушбу пул маблағини ўзининг банк картасига қайтаришда муаммо бўлаётганлигини баён қилади.

Истеъмолчи пул маблағи бошқа картага тушганлигини таниши унга пул ўтганлигини айтганидан сўнг банкоматдан нақдлаштиримоқчи бўлганида билган. Янаям аниқроғи банкомат карта балансидан бу миқдордаги маблағ йўқлигини кўрсатгач, тижорат банкига мурожаат қилиб, СМС хабарнома келгани ҳолда картада пул маблағи йўқлигини айтганидан сўнг, банк ходими унга картага ҳақиқатда пул келиб тушмагани, СМС хабарнома эса унинг телефон рақамига бошқа карта ҳам бириктирилганлиги сабабидан келганлигини тушунтиргандан сўнг маълум бўлган.

Бунданам қизиқ ишлар кейин бошланди. У отанинг ҳисоб рақамидagi пулни ўз ҳисоб рақамига ўтказиб беришларини ёки танишига қайтариб юборилишини сўраганида банктагилар унга пул марҳумнинг

ҳисоб рақамидagiлигидан келиб чиқиб, масала нотариус орқали ҳал бўлишини, шундан сўнггина пулни бошқа рақамга кўчирилишини айтдилар. Ушбу ҳолатда нима қилишни билмай боши қотган истеъмолчи масалани ечимини топилишида амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб Марғилон шаҳар жамиятига мурожаат қилади.

Мурожаатни тижорат банки масъуллари иштирокида ўрганиш жараёнида амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, агар «марҳумнинг ҳисобидаги пул маблағи унинг вафотига қадар тушган бўлсагина масалага нотариал идоралар аралашини ва маблағ мерос сифатида олиниши мумкин»лиги асос қилиб олиниб, С.А.нинг танишидан келиб тушган пул маблағини унинг ўз банк пластик картасига ўтказиб бериш талаби қўйилди.

Натижада тижорат банки масъуллари ушбу ҳолат юзасидан тегишли тартибда далолатнома расмийлаштирганларидан сўнг, пул маблағи С.А.нинг банк пластик картасига ўтказиб берилди.

Ушбу фурсатдан фойдаланган ҳолда, истеъмолчилардан турли мобил иловалар билан ишлашда, шунингдек ўз шахсий маълумотларини интернет тармоғидаги турли иловаларга киритишда, банк пластик карточкангизга оид маълумотларни тарқатишда эҳтиёткор ва ҳушёр бўлишни сўраб қоламиз.

Саидхон Хапизов,
Марғилон шаҳар жамияти мутахассиси.

Банка газировки помогла поймать вора

Вора поймали благодаря оставленной им на месте преступления банке газировки

В Великобритании полиция удалось поймать 29-летнего вора Давида Менчаровски благодаря банке газировки. О том, как Coca-Cola помогла найти преступника, сообщает издание Hull Daily Mail.

Давид Менчаровски вместе с сообщником пробрались в паб Oak Vaults в городе Кингстон-апон-Халл в масках. Они попытались вывести из строя систему видеонаблюдения, сигнализацию, а также отключили Wi-Fi-маршрутизатор, чтобы остаться незамеченными. Воры украли деньги из кассы, бутылки вина, электронное оборудование, мобильные телефоны, ноутбуки, рации, стереосистему и карты памяти. Общая стоимость украденного составила около 3,1 тысячи фунтов стерлингов.

Прибывшая на место преступления полиция обнаружила оставленную Менчаровски в помещении для мытья кухонной посуды банку газировки Coca-Cola. С помощью ДНК-теста сотрудникам правоохранительных органов удалось установить личность преступника и арестовать его. Он был осужден за шесть преступлений, ранее совершенных в Великобритании, и за другие, совершенные в его родной стране, Польше. Менчаровски приговорили к 16 месяцам тюремного заключения.



Заклученный в индийском городе Гопалгандж, штат Бихар, был госпитализирован после того, как проглотил мобильный телефон во время проверки из страха перед наказанием. Об этом сообщает издание The National News.

Заклученный проглотил мобильный телефон во время проверки

Заклученный Кайшар Али был госпитализирован с жалобами на сильную боль в животе. В ходе обследования врачи обнаружили в его брюшной полости инородное тело.

Мужчина сообщил тюремщикам, что проглотил мобильный телефон во время внезапной проверки, так как опасался наказания за его использование. В настоящее время

осужденный проходит лечение в больнице, его состояние оценивается как стабильное.

Али получил тюремный срок в январе 2020 года за совершение преступления, связанного с наркотиками. Использование мобильных телефонов в индийских тюрьмах запрещено.

Женщина получила фотографии с потерянного 13 лет назад фотоаппарата

Жительница американского города Кочис, штат Аризона, получила фото с утопленного 13 лет назад фотоаппарата благодаря рыбаку, нашедшему его в реке. Об этом сообщает телеканал Fox 9.

Корал Амайи, которой сейчас 35 лет, много путешествовала и всегда носила с собой фотоаппарат. В 2010 году она потеряла любимую камеру, когда сплавлялась на надувном круге по реке Анимас. «Я буквально плакала. Мой парень злился на меня из-за того, что я оказалась так привязана к вещи», — сказала женщина.

Вместе с камерой пропали и фотографии щенков собаки, принадлежавшей американке. Амайи не рассчитывала когда-либо увидеть их вновь, пока не получила в соцсети сообщение о потерянном фотоаппарате. Оказалось, что Спенсер Грейнер рыбачил на реке и заметил пролежавшую 13 лет на дне камеру. Он извлек ее из воды и опубликовал в соцсети фотографии самого фотоаппарата и хранившихся на нем фотографий, чтобы найти владельца.

Знакомый Амайи увидел ее на одной из фотографий и отметил в комментариях. «Я была вне себя от счастья!» — рассказала она о моменте, когда узнала, что фотоаппарат нашелся. Грейнер пообещал отправить ей фотоаппарат по почте.



В Великобритании 87-летний Аллен Суинбэнк и его младший брат Джон, не знаящие о существовании друг друга, встретились впервые после 85 лет разлуки. Об этом сообщает издание The Mirror.

Не знаящие о существовании друг друга братья встретились после 85 лет разлуки

Аллен из города Гул, графство Ист-Райдинг-оф-Йоркшир, вырос с матерью. Когда ему было шесть месяцев, его отец ушел из семьи. «Мама ненавидела моего отца, поэтому мы никогда о нем не разговаривали. Он объявился, когда мне было 26 лет. Я немного узнал его, но он никогда не упоминал, что у меня есть брат», — рассказывает мужчина.

графстве Ист-Райдинг-оф-Йоркшир. Родственники Джона утверждали, что его отец погиб на войне. Однако, как выяснилось позже, он умер в 1980 году в возрасте 68 лет.

В начале 2023 года внучке Джона удалось найти Аллена, когда она составляла генеалогическое древо своей семьи. Она позвонила мужчине и сообщила, что он приходится братом ее дедушки. После того как Джон и Аллен узнали, что являются близкими родственниками, они сразу же назначили встречу. «Мы обнялись и немного поплакали. Забавно, что это произошло... В последние годы я начал жалеть, что у меня нет брата или сестры, с которыми можно было бы чем-то поделиться», — говорит Аллен.

У братьев есть правнуки, и они оба любят мотоциклы. Джон утверждает, что соседка Аллена, увидев их вместе, сразу заметила, что они друг на друга похожи. «Нам предстоит многое наверстать. Это мечта, ставшая реальностью», — утверждает старший брат.



Единокровный брат Аллена, 85-летний Джон из шотландского города Фрейзербург, никогда не видел их отца и тоже не подозревал о существовании брата. Он вырос с дедушкой и тетями неподалеку от Аллена, в

Рыбак нашел в океане зуб древней акулы размером с ладонь

Мужчина из Мэрилэнда нашел зуб древнего морского монстра, мегалодона, пока ловил устриц в Чесапикском заливе. Как сообщает издание Insider, размер зуба составил 5,5 на 3,5 дюйма, примерно с человеческую ладонь.

Рыбак по имени Стивен Роллинс обнаружил артефакт, когда они с Джеремайей Джорданом, его приятелем и напарником, опустили улов на палубу. Зуб оказался на самом верху кучи устричных раковин. Роллинс и Джордан вытащили его из океана примерно в миле к югу от устья реки Патаксент во время ловли устриц на глубине около 20 футов.

Жена Стивена, Бэмби, отнесла находку в Морской музей Калверта в Мэрилэнде, чтобы специалисты больше рассказали о мегалодоне, которому принадлежал зуб. Сотрудники музея сообщили, что зубу может быть около восьми миллионов лет, и он, скорее всего, был одним из боковых в челюсти акулы.

Мегалодоны — это гигантские акулы, которые жили на планете от 23 миллионов до четырех миллионов лет назад. Поскольку скелет акул состоит, в основном, из хрящей, ученые делают догадки относительно их возможных размеров только по зубам.



Мужчина поймал редчайшую золотую рыбу

В американском штате Вирджиния пойман редчайший золотой большеротый окунь. Об этом сообщает газета Washington Post.

В сентябре 28-летний Джейкоб Мур отправился ловить рыбу на реку Аппер-Чиппекс-Крик. Ему удалось поймать более 20 большеротых окуней, и одна из рыб оказалась весьма необычной: ее длина составляла 40 сантиметров, она имела золотистую окраску и сверкала на солнце. Как правило, у большеротых окуней чешуя оливкового или темно-зеленого цвета, белое брюшко и полоса из пятен на спине.


Мур никогда не видел подобных рыб. Он сфотографировал странного окуня, после чего отпустил его обратно в воду. В январе рыбак вспомнил о нем, когда встретил Боба Смета, который работает в департаменте природных ресурсов Вирджинии. Мужчины разговорились, и Мур рассказал, что поймал большеротого окуня-альбиноса. Позже он отправил Смету фотографии рыбы, а тот переслал сообщение коллегам.

Коллега Смета Алекс МакКриккард сразу понял, что это за рыба. За время своей работы в департаменте он видел подобную мутацию только однажды, когда в 2020 году рыбак из города Стонтон поймал похожую рыбу золотого цвета. Золотой цвет обусловлен редкой гене-

тической мутацией, которая в силу нехватки меланина придает окуню желтую пигментацию. Это явление называется ксантизм. «Как правило, люди считают, что на миллион рыб встречается только одна такая», — отметил МакКриккард.

Департамент публично объявил о необычном улове Мура. Мужчина надеется, что это достижение поможет осуществить его давнюю мечту стать профессиональным рыбаком.





ЖССТ коронавирус пандемияси қачон тугашини маълум қилди

COVID-19 пандемияси 2023 йилда тугаши кутилмоқда. Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) раҳбари Тедрос Адханом Гебреесус соғлиқни сақлашга қўшган ҳиссаси учун кичик-Томас Френсис медали билан тақдирланган пайтда маълум қилди.

Гебреесуснинг таъкидлашича, вазият яхшиланмоқда ва инфекциядан ҳафталик ўлимлар сони пандемия илк бор тан олган 2020 йил бошига қараганда камроқ.

Шу билан бирга, у пандемия бутун

инсоният учун сабоқ бўлиши кераклигини таъкидлади. Гебреесуснинг сўзларига кўра, учта асосий хулосани чиқариш орқали одамлар яқин келажакда юзага келиши мумкин бўлган янги пандемия қийинчиликларига

дош бера олади.

Хусусан, у аҳоли саломатлиги муҳимлигини унутмасликка чақирди. У, шунингдек, қатор камбағал давлатлар пандемияга қарши бой мамлакатларга қараганда яхшироқ курашганини, чунки уларда соғлиқни сақлаш тизими яхши йўлга қўйилганини таъкидлади.

“Масалан, касалланганлар билан алоқани кузатиб бориш каби оддий усулни олайлик. Кўпгина бой мамлакатлар бунини унутиб қўйишган, дунёнинг камбағалроқ қисмларида

эса турли инфекциялар эпидемияси билан курашиш тажрибаси туфайли бундай хотира сақлиниб қолган”, — дейди ЖССТ раҳбари.

Шунингдек, у илм-фаннинг муҳимлигини таъкидлади ва замонавий билимлар туфайли инсоният касалликка қарши вакциналарни ишлаб чиқишга муваффақ бўлганини эслатди. Шунингдек, у кўплаб мамлакатлар ниқоб тақиш, карантин ва эмлаш каби элементар масалаларни сиёсийлаштирганини, бу илмий қарашларга зид эканини таъкидлади.

Ниҳоят ЖССТ раҳбари мамлакатларни ҳамкорлиги муҳимлигини айтди ва кўплаб давлатлар вирусга қарши курашишда бошқалар билан кучларни бирлаштиришни истамаётганидан афсус билдирди.

“Изчил ва глобал жавоб ўрнига, пандемия тартибсиз жавоблар аралашмаси билан ўтди”, — деди у.

Японияда туғилишлар сони 2022 йилда антирекорд ўрнатди

Японияда 2022 йилда рекорд даражада кам болалар туғилди, мамлакатда туғилиш тенденцияси етти йилдан бери пасайиб келмоқда ва жамиятнинг тез қариши муаммосини янада кучайтирмоқда, деб ёзади Bloomberg ахборот сайти Япония Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига таяниб.

Агентлик маълумотларига кўра, янги туғилган чақалоқлар сони 2022 йилда 799 728 нафарга тушиб, аввалги йилга нисбатан 5,1 фоизга камайган ва бу 1899 йилдан бошланган кузатувлар тарихидаги энг паст кўрсаткичдир.

Шу билан бир қаторда, айтилган даврда вafот этганлар сони 8,9 фоизга ошиб,

1,58 миллион кишини ташкил этди.

“Биз туғилиш даражасининг пасайиши жуда долзарб вазият эканини тан оламиз. Тушунишимча, бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган турли омиллар одамларнинг турмуш қуриш, фарзанд кўриш ва уларни тарбиялаш умидларини рўйбга чиқаришига тўсқинлик қилмоқда”, — деди Япония Вазирлар Маҳкамаси бош котиби ўринбосари Ёшихико Исоаки.

Агентлиكنинг таъкидлашича, туғилишнинг пасайиши Японияда дунёдаги учинчи йирик иқтисодий кўлаб-қувватлаш учун келгуси йилларда ишчи кучи ва солиқ тўловчиларнинг камайишини англатади. Шу билан бирга, аҳолининг бошқа мамлакатлардагидан кўра кўпроқ қисмини ташкил этувчи кексаларга ғамхўрлик қилиш

ҳаражатлари ортиб бораётгани миллий ғазнани курутмоқда.

Исоакининг таъкидлашича, ҳукумат болалар ва ота-оналар сиёсатини ишлаб чиқади ва июнь ойига қадар бюджетини икки баравар ошириш учун асос яратади.


Nikkei нашри 2022 йилнинг декабрь ойида Япония ҳукумати оила ва болалар масалалари билан шуғулланувчи янги агентликка бюджетдан 35,2 миллиард доллар ажратгани ҳақида хабар берганди. Bloomberg таъкидлашича, қўшни давлатлар ҳам худди шундай муаммоларга дуч келмоқда. Хусусан, Хитой аҳолиси 2022 йилда 60 йил ичида биринчи марта қисқарди. Утган ой Миллий статистика бюроси томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2022 йил охирида хитойликлар 1,41 милли-



ард кишини ташкил этди, бу аввалги йилга нисбатан 850 000 га кам.

Жанубий Кореяда кўп йиллардан бери дунёдаги энг паст туғилиш даражаси қайд этилмоқда. 2022 йилда ҳар бир аёлга 0,78 бола тўғри келди, бу эса аҳолининг қариши билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни янада кучайтирди.

**Муборакхон ТУРДАЛИЕВА,
ФарДУ 3-босқич талабаси.**



Сайёрамиз флора ва фаунасининг 25 фоизга яқини “инсон омили” туфайли йўқолиб кетиш хавфи остида, деб ёзмақда Anadolu ахборот агентлиги биологик хилма-хиллик ва экотизим хизматлари бўйича ҳукуматлараро илмий-сиёсат платформаси (IPBES) ҳисоботи таяниб.

Ҳисоботда инсоният сўнгги 50 йил ичида табиий экотизимларни қандай вайрон қилгани ҳақида кўплаб драматик тафсилотлар, шунингдек, шошилинч чоралар кўрилмаса, келгуси ўн йилликларда нима содир бўлиши мумкинлиги ҳақида прогнозлар берилган.

Ер юзасининг қарийб бешдан бир қисмига, жумладан биохилма-хиллик юқори ҳудудларга инвазив (тарқалиши биологик хилма-хилликка таҳдид соладиган тур) бегона турлар таҳдид солмоқда. Инвазив турлар сони 50 йил ичида икки баравар ошди. Бу ўсиш ҳам тирик мавжудотларга, ҳам экотизимларга жиддий таҳдид солади.

Бошқа томондан, сўнгги 50 йил ичида иқтисодий ўсиш, аҳоли сонининг ўсиши ва жаҳон савдосининг ўсиши туфайли биологик хилма-хиллик катта зарар кўрди. Пластмассадан ифлосланиш, айниқса денгизларда, 1980 йилдан бери 10 баравар кўпайди ва камида 267 та турга таъсир кўрсатди. Хусусан, пластик ифлосланиш бу даврда денгиз тошбақаларининг 86 фоизи,

Ер флора ва фаунасининг чорак қисми “инсон омили” туфайли йўқолиб кетиш хавфи остида

денгиз қушларининг 44 фоизи ва денгиз сут эмизувчиларнинг 38 фоизига салбий таъсир қилди.

Амфибияларнинг 40 фоиздан ортиғи, шунингдек, қоя маржонларининг 33 фоизи йўқ бўлиб кетиш арафасида.

Ҳисоботда ҳашаротлар ҳақида аниқ маълумотлар берилмаган, аммо ҳозирги маълумотлар шуни кўрсатадики, умуртқасиз артроподлар синфи турларининг 10 фоизи йўқолиб кетиш хавфи остида.

2013 йил 20 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Бутунжаҳон ёввойи табиатни муҳофаза қилиш кўни ҳақида эълон қилгани ва бу кўни йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги конвенция (CITES) имзоланган санага (1973 йил 3 март) белгиллаганди. 2014 йил 3 мартдан бери Жаҳон ёввойи табиат кўни дунёнинг турли мамлакатларида нишонланади.

2023 йилги Жаҳон ёввойи табиат кўнининг мавзуси “Ёввойи табиатни асраш бўйича ҳамкорлик” бўлди. У йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонларга эътиборни қаратиш, шунингдек, уларни ҳимоя қилиш бўйича ечим топиш ва огоҳликни оширишга қаратилган.

Ушбу мавзу остида бу йилги ҳамкорлик 3 даражадаги – халқаро, миллий ва маҳаллий даражадаги ҳамкорликка қаратилади.

**Шахло МУСАЕВА,
ФарДУ 3-босқич талабаси.**

Ахалтеке отлари зоти йўқолиб кетиш хавфи остида экани маълум қилинди

Американинг Livestock Conservancy (Чорвачиликни муҳофаза қилиш) нодавлат ташкилоти ахалтеке зотидаги отларни йўқолиб кетиш хавфи остидаги насллар рўйхатига киритди.

Ушбу рўйхатдаги мақом генетик ўзига хос популяцияларни ҳисоблаб чиқиш орқали белгиланади.

“Ахалтеке отлари Туркменистоннинг

пойга отларидан келиб чиққан бўлиб, уларга биринчи марта 3000 йил олдин таъриф берилган”.

Ҳисоботда айтилишича, ахалтеке зоти дунё миқёсида кам учрайди, уларнинг



сони 7000 тага етмайди.

Livestock Conservancy ташкилотининг таъкидлашича, ахалтеке арав отлари зоти пайдо бўлишдан олдин мавжуд бўлган. Тарихан туркман зотлари Европадаги от зотлари, энг аввало, инглиз чавандозлари минган зотларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Эслашиб ўтамиз, Ашхободда Ахалтеке отлари халқаро ассоциацияси штаб-квартираси ташкил этилган, шунингдек отларни Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун UNESCO’га мурожаат қилинган.

Туркменистон ҳар йили туркман отлари фестивалини нишонлайди, бу энг чиройли ахалтеке отлари халқаро танлови кўнига тўғри келади.



Газета зарегистрирована в Ферганском областном управлении Агентства по печати и информации Узбекистана. Свидетельство о регистрации № 12-094 от 24 августа 2009 года. Индекс издания 7562.

Учредитель и
Главный редактор:
Тимур ЮЛДАШЕВ.

Ответственный редактор:
Маъруфжон МАДАМИНОВ.

Рукописи и фотографии
не рецензируются и не
возвращаются.

Адрес редакции:
150114 г. Фергана,
ул. С. Темура, 28.
Телефон: +998 93 980 11 22

E-mail: nuqtainazar@gmail.ru

Тираж: 1000 экзemplяров.
Цена договорная.

Газета сверстана и отпечатана на основе оригинального макета в типографии ООО «ПОЛИГРАФ-ПРЕСС»

Адрес: г. Маргилан,
ул. Мустакиллик, 489 «А».
Формат А-3 (объем — 4 полосы).
Время подписи:
31.03.2023 г.
в 09.00.
Время сдачи
в печать:
в 10.00.
Заказ: 197

